O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 16 январь, №11 (3285) Жума


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида

***Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу долзарб масалага тўла жалб қилинмаётганлиги ва уларга нисбатан талабчанликнинг пастлиги оқибатида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги натижасида айрим хўжаликларга жиддий зарар етказилмоқда.***

***Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятларида сезиларли равишда йўл қўйилаётганлиги ташвишли ҳолдир.***

***Қишлоқ хўжалиги экинлари аввало ризқу-рўзимиз бўлмиш ғалла майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш ва нобуд бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу масалада тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши тегишли чора-тадбирлар кўрмаётганликлари ҳамда бу борада зарур назоратни таъминламаётганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилсин;

қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг экинларни пайҳон қилиниши ва нобуд бўлиши ҳолатлари учун масъулиятини ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича шошилинч тадбирлар белгиласин;

экинзорларда чорва молларини боқиш, уларни қаровсиз қолдириш ва экинзорлар орқали ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситалари ўтиши, шунингдек, экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келувчи бошқа салбий ҳолатларга қарши кураш чораларини янада кучайтирсин;

ички ишлар идоралари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда экинларни пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича мунтазам равишда рейдлар ўтказилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши мумкин бўлган жойларда ташкил этилган кузатув постлари ходимлари ва дала қоровулларининг фаолияти самарадорлигини оширсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда жойларда тарбиявий-тушунтириш ишларини кучайтирсин.

3. Эътиборга олинсинки, амалдаги қонунчиликда экинзорларни пайҳон қилганлик учун белгиланган жавобгарлик асосида:

чорва молларнинг экинзорларни пайҳон қилиши, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

экинзорларни техника воситаларида босиб ўтиш — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима билан бир қаторда экинзорларни пайҳон қилиш оқибатида келтирилган зарар айбдор шахс ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-профилактик тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш ҳақида қўшимча тадбирлар белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

6. "Ўзтелерадио" компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишга қаратилган амалдаги қонунчиликнинг тарғиб қилинишини ва бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам равишда ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков ва Т.Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 январь.



## Меҳнат инсонни улуғлайди

*Меҳнат инсонни нафақат улуғлайди, балки улғайтирар ҳам экан. Улғайтириши шу маънодаки, ҳалоллик ва ўз касби корига фидойилик номингни ҳамда шуҳратингни эл-юрт, жамоа орасида сарбаланд этаркан. «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг автоюкловчи машина ҳайдовчиси Қиличбек Унгарбоев (суратда) ўз фаолияти давомида бунга амин бўлди. Ахир, инсон ўз жамоасининг обрў-эътиборли ходимига айланиши осон эмас. Шу туфайли у корхона ҳаётидаги ташкилий тадбирларнинг ҳам фаол етакчисига айланган.*

*Сийланган жойида азиздир инсон, деб шуни айтсалар керак-да!*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КУВАЙТ ДАВЛАТИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кувайт Давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ таклифига биноан 2004 йил 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайтда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларнинг муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Азиз дўстим,

Тошкент шаҳрида рўй берган ва кўп одамлар ҳалок бўлган авиаҳалокат ҳақидаги хабар мени ниҳоятда қайғуга солди.

Ушбу мусибатли дамларда шахсан ўзим ва бутун француз халқи номидан Ўзбекистон халқига хайрихоҳлик ва бардамлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман. Авиаҳалокат қурбонларининг қариндошлари ва яқинларига чин дилдан ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ва шу қайғули дамларда дўстона туйғуларимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкентда юз берган авиация ҳалокати натижасида самолёт йўловчилари ва экипажи ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзиямизни қабул қилгайсиз. Бу мудҳиш хабар молдаван халқининг қалбига қайғу-алам солди. Мамлакатингиз бошига тушган оғир мусибатда сизлар билан ҳамдардмиз.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндошлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик сўзларимизни етказишингизни сўрайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ВОРОНИН,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент шаҳри аэропортида Як-40 самолёти ҳалокатга учраб, одамлар фожиали ҳалок бўлгани ҳақидаги мудҳиш хабар қалбимни чуқур қайғуга солди.

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан чин дилдан билдираётган таъзиямни қабул қилгайсиз. Марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларимизни етказишингизни сўрайман.

Қайғу-алам билан,

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

**(Давоми 2-бетда).**

## ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

13 январь куни Тошкент аэропорти ҳудудида рўй берган авиаҳалокатда ҳалок бўлганлар орасида БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Конрой ҳам бор эди.

15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев БМТ ваколатхонасига ташриф буюриб, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимиз номидан ваколатхона ходимларига ҳамдардлик билдирди.

**(ЎзА).**

Пойтахтимизда



## АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ МУҲОФАЗАДА

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).*** Юртимизда хотин-қизлар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишлари ижобий самара беряпти.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларига оид мақсадли дастури муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш" мавзуида факультатив дарслар, олий ўқув юртларида "Тиббий билим асослари" курси жорий этилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди. Унда, шунингдек, ҳомиладор ва фарзанд кўриш ёшидаги аёллар орасида камқонликнинг олдини олишда аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Жойлардан хабарлар

### Чўлда хусусий корхона

**«Шаҳрихон-Чек» хусусий корхонаси қўриқ Мингбулоқ туманининг олис қишлоғи Аччиққўлда тадбиркор Абдурашид Рустамовнинг ташаббуси билан ташкил этилган. «Миллий банк»нинг молиявий кўмаги билан замонавий технологик ускуналар сотиб олган Абдурашид озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда унинг корхонасида кунига 1500 та нон, 600 килограммдан ортиқ макарон ва бошқа қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилаётир.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хитойликлар талабалар меҳмони

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вице-консули Чжоу Синвэй ва Ланчжоу университети Халқаро маданий алоқалар институти профессори Сюй Изяжун билан учрашув бўлиб ўтди. Қизғин суҳбат чоғида Хитой оммавий ахборот воситалари, ЎзДЖТУда хитой тилининг ўргатилиши ҳақида ҳам фикр алмашилди.**

**Учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.**

**Дилноза НОМОЗОВА.**




**"Айрим фермер хўжаликларининг фаолияти билан батафсил танишганимизда, ғалати аҳволга дуч келдик. Улар ғалланинг парваришини унутиб, томорқасидаги экинлар қарови билан овора бўлишган ёки буғдой ўрнига бозорбоп экинлар экишган. Оқибатда экинлар қаровсиз қолган. "Порлоқ", "Гулбаҳор", "Шалқарбек", "Эрлан ота", "Турдигул опа", "Ортиқбой ота", "Салоҳиддин тадбиркор", "Тожи меҳр", "Алфат", "Аҳмадҳожи ота", "Хумо Али", "Анорбой ота", "Турсунбой-Арслон" ва "Юлдузхон М-д қизи" каби фермер хўжаликлари шартномада кўрсатилган ҳосилни беришолмади".**

*"Ҳуқуқни билиб, мажбуриятни унутманг" мақоласидан (10 сентябрь, 2003 йил).*

"Халқ сўзи" назоратида

### Мақола учун миннатдорчилик

"Ҳақиқатда ҳам, мақолада кўрсатилган фермер хўжаликлари давлат буюртмаси бўлган буғдой экини ўрнига бозорбоп экинлар экиб, ғалла сотиш шартномаларини бажармаган. "Порлоқ" фермер хўжалиги, кечикиб бўлса-да, шартномада кўрсатилган дон маҳсулотини давлат омборига топширди. "Тожи меҳр", "Шалқарбек", "Турсунбой-Арслон" фермер хўжаликларининг ер майдонлари қайтариб олиниб, аввалги ер эгасига берилди. Айрим фермер хўжаликлари билан синов муддати белгиланиб, келишув битими тузилди. Мақола туманда фермер хўжаликлари ишини ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг асосий тамойили — шартнома шартларининг бажарилиш мажбуриятлари ҳамда давлат буюртмаси асосида белгиланган экин турларини экиш зарурлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги "Халқ сўзи" газетасига мазкур мақола учун миннатдорчилик билдиради.

**А.ГАППАРОВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани ҳокими.**

## «277 та қишлоқда спорт иншооти йўқ»,

### дейилди Қашқадарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда

— Вилоятда 1082 та қишлоқ бор, — деди йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш» жамғармасининг Қашқадарё вилоят филиали директори Баҳром Авазов. — Шунинг 277 тасида умуман спорт иншооти йўқ.

Хўш, нима учун шундай? Ахир қачондан буён болалар спортини ривожлантириш ҳақида гапирилмоқда. Президентимиз бунинг аҳамиятини қайта-қайта уқтираётган бўлса. Энг ажабланарлиси, айрим туман ҳокимларининг «Тумандаги нечта қишлоқда спорт иншооти йўқ?» деган саволга жавоб беролмаганлигидир. Ҳақиқий аҳволни билмаслик, келажагимиз ҳақида қайғурмаслик оқибатидир бу. Қамаши туманидаги 58 қишлоқда болалар спорт иншооти йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Китоб аҳли меҳнаткашлиги билан мамлакатда танилган. Бироқ бу туманда ҳам спорт ишлари орқага кетмоқда. Жумладан, болалар спорти ҳам. Касби тумани ҳам бундан мустасно эмас. Ахир, ҳар йили қарийб минг-минг тонна пахта етиштираётган деҳқонларнинг болалари спорт билан шуғулланишга ҳақлари бор-ку. Нега туман раҳбарлари бу ҳақда ўйламайди?

Йиғилишда ана шундай аччиқ, аммо ҳаққоний гаплар айтилди. «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси ҳомийлик кенгашида Президент Ислом Каримов маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва вилоятда болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Мавжуд аҳволни ўзгартириш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ҳамма қишлоқда спорт иншооти бўлиши керак, деган қатъий хулосага келинди.

— Қашқадарё вилояти ўтган йили қишлоқ хўжалигидан 42 миллиард сўм соф фойда олди, — деди йиғилишни бошқарган вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев. — Шундай бўлса-да, нега айрим қишлоқларимизда болалар спорти иншооти мавжуд эмас? Бу ҳокимларимизнинг ҳали-ҳануз эскича услубда ишлаётганини кўрсатади. Энди бунақаси кетмайди. Биз қишлоқларимизда барча шароитлар бўлишига эришамиз. Болаларимиз ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб ўсиши учун ҳамма ишни қиламиз.

Вилоят ҳокимининг куйиб-ёниб айтган бу гаплари айрим туман ҳокимларига қандай таъсир қилди? Бу ҳақда бир нима дейишдан аввал, улардан айримларининг «айтилди, қўйилди-да, шуни ҳам ўйлаб ўтираманми» деб йиғилишдан кулиб чиқиб кетаётганлигини келтириш кифоя. Бундай раҳбарлар билан ишлаш осон эмас, албатта.

**Норзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Улар ҳазрати ишчилардир!

## Ховосдаги вагонларни таъмирлаш депосига кичик бир сайр

*Тагсарлавҳага кўзи тушган газетхон қаламга олинаётган мавзуга бирданига қизиқмаслиги мумкин. Сабаби — вагонларни таъмирловчи деполар ҳаёти ҳақида биз, қаламкашлар одатда кам ёзамиз. Қолаверса, бу мавзу кўпчилик учун қизиқарли дея ваъда ҳам қилолмаймиз.*

*...Ховосда Бекобод шамоли фақат кўклам адоғию сумбула бошларигача бирозгина тин олади, холос. Қолган пайтларда у тинимни билмайди. Айниқса, куз ва қиш ойларида эсаётган шамол чопон ва пальтолар этагини юлқилайвериб, кишининг ҳафсаласини пир қилади.*

Биз ҳикоя қилаётган депо 1936 йилда ташкил этилган. Собиқ Иттифоқ даврида бу ерда минг нафардан ортиқ киши меҳнат қиларди.

— Бугунги кунда жамоамизда 330 нафар ишчи-хизматчи бор,— дейди Ховос вагонларни таъмирлаш депосининг бошлиғи Ғанижон Раҳимжонов. — Эндиликда аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Юк ташийдиган вагонларга эҳтиёж йил сайин ўсиб бормоқда.

### Ислоҳотлар самараси

Корхонамиз мақоми тўғрисида икки оғиз сўз. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги қарорига асосан, «Ўзвагонтаъмир» корхонаси ташкил этилди. 5 та деподан иборат ушбу ҳиссадорлик жамияти «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, бош пудратчи, яъни бизни иш билан таъминловчи ана шу компаниядир. Жамоамиз қанча кўп вагон таъмирлаб берса, шунча кўп даромад қилади. Соддароқ айтадиган бўлсак, кишиларимизга иш ҳақини ишбай усулида тўлаймиз.

Ғанижон Раҳимжоновнинг содда изоҳи ва баёнига тан бермасдан илож йўқ. Биз мазкур изоҳларни янада лўндароқ ифодалашга ҳаракат қиламиз. Баъзи бир идораларда ходимлар ишга келгач, кун бўйи журнал ўқиб, шахмат ўйнаб кун ўтказади. Бироқ ой охирида маош ёзилган ҳужжатга чиройли қилиб имзо чекишни унутишмайди. Депода эса аҳвол бутунлай бошқача. Пул топиш, даромад қилиш учун пешонадаги терларни кўп маротаба кўйлакнинг енги билан сидириб-сидириб туришга тўғри келади. Айтайлик, битта бригадага битта вагон берилди. Ишни қачон бошлаб, қачон тугатиш режа бўйича қатъий белгилаб қўйилган. Вагон деганларининг асосий жон жойи унинг рамаси, яъни қовурғасидир. Қовурға омон бўлса, уни созлаш мумкин. Эҳ-ҳа, битта қовурғани созлаш билан вагон деганлари кошки соб бўлиб қолса. Юзлаб мурватларни бураш, ғилдиракларнинг аҳволини синчиклаб кузатиш, пружиналарнинг мустаҳкамлигини қайта-қайта синаш ва созлаш лозим бўлади. Биз оддийгина қилиб таъмирловчи уста, деган одамимиз ҳам чилангар, ҳам пайвандчи, ҳам муҳандис, ҳам дурадгор бўлмоғи даркор. «Мана, топшириқ бажарилди, вагон йўлга чиқишга, юк ташишга тахт» дейилгандан кейин уни Тошкентдан келган комиссия аъзолари синчиклаб кўздан кечиришгачгина қабул қилиб олишади. Агар уларнинг кўнгли тўлмаса, усталар яна қайтадан ишга тушиб кетадилар.

Деподагиларга, очиғи, ҳавас билан қарашади. Негаки, эндигина иш бошлаган шогирд ҳам дастлабки ойларда 40-50 минг сўм пул олади. Корхонада 8-10 йил меҳнат қилаётганларга ойига 80-100 минг, бу ерда узоқ йиллардан бери ишлаётган юқори малакали мутахассис ва ишчиларга эса 150-170 минг сўмдан маош тегади. Эҳтимол, шу боис ховослик ёшларнинг кўпчилиги ҳазиллашиб, «Депога ишга киришга қараганда институтга ўқишга кириш осонроқ», дейишади. Оворагарчилик бўлмаслиги учун депонинг ўзига нон келтирилади. Депода ошхона бор. Бу ерда сут-қатиқ бепул тарқатилади.

Ишчилар рўйхатига кўз ташлаб, қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Депода Эгамов, Миршарипов, Ашуралиев, Раҳимжонов каби фамилиялар билан кўплаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилишар экан.

— Бу ҳолга ҳайрон бўлманг, — дейди Ғанижон Раҳимжонов. — Жамоамизда кўплаб сулолалар бор. Ота ўғлини ишга олиб келган. Ўғил эса ўз навбатида ё қизини, ё ўғлини шу касбга қизиқтира олган. Қарабсизки, депомизда яна бир ишчи сулоласи пайдо бўлади. Президентимиз айтганларидек, биз ҳеч қачон ишчи сулолаларидан чўчимаслигимиз керак. Бу сулолалар жамиятни олға бошловчи, уни гуллаб-яшнатувчи кишилардир...

Жамоада қўлни қадоқ қилиб, изланувчанлик, ташаббускорлик билан пул топиш, янгилик яратиш оддий ҳолга айланган. Хориждан битта вагон харид қилиш учун 50-60 минг АҚШ доллари тўланиши керак. Депо раҳбарияти «Ўзвагонтаъмир» ва «Ўзбекистон темир йўллари» раҳбарияти билан келишиб-кенгашиб, янги цех очишди. Мақсад жуда ҳам оддий ва шу билан бирга, ғоят истиқболли эди. Энди ушбу ҳолатга ҳам изоҳ берамиз. Махсус цехга яроқсиз ҳисобланган вагонлар олиб келинади. Ультратовуш ва бошқа махсус асбоблар ёрдамида яроқсиз саналган вагоннинг асосан қовурғаси, ғилдираклари синчиклаб кўздан кечирилади. Ана шу муҳим ҳаётий қисмларнинг созлиги аниқланса, янги цехнинг ўзида вагонни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилади.

Натижа шуни кўрсатдики, яроқсиз вагонни созлаш учун, нари борса, 7-8 минг АҚШ доллари сарфланар экан. Янги вагоннинг нархи қаёқда-ю, таъмир учун кетадиган мана бу нарх қаёқда!

Депо очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Жамоа ўзига тегишли бўлган ўн фоизлик акцияларни ойлик ҳисобига, яъни қимматли қоғозлар пулини босқичма-босқич тўлаб харид қилди. 2003 йил якунланиб, кирим ва чиқимлар ҳисобланганда ҳиссадорлик жамиятининг соф даромади 400 миллион сўмдан ошганлиги маълум бўлди. Демак, бу ерда нафақат катта маош, балки акциядор кишилар ўз қимматли қоғозлари учун катта дивиденд ҳам олишлари кутилаяпти.

— Мен бир нарсадан, яъни ҳар иккала юқори ташкилотимиз раҳбарларидан жамоамизни тўлиқ қўллаб-қувватлашаётгани, амалий кўмак бериб келишаётганлигидан хурсандман, — деди пировардида Ғанижон ака. — Ўйлаймизки, 2004 йилда ўтган йилдаги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, янги марраларни эгаллаймиз. Депомизда таъмирланган биронта ҳам вагон истеъмолчиларнинг эътироз ва норозилигига сабаб бўлмайди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Татаристон Республикаси аҳли Тошкентдаги авиаҳалокат натижасида инсонлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабарни қайғу-алам билан қабул қилди.

Фожиа натижасида ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ҳамда таскин сўзларимизни етказишингизни сўраймиз. Ўзбекистон халқи билан бирга қайғудамиз ва оғир мусибат аламига чин дилдан шерикмиз.

Самимият ила,

**Минтимер ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент аэропортида содир бўлган даҳшатли фожиа Ярославль вилояти аҳолиси қалбини ғоят қаттиқ қайғуга солди. Одамларнинг ҳалок бўлиши, уларнинг қариндошлари ва яқинлари учунгина эмас, балки бутун мамлакатингиз учун ҳам ниҳоятда оғир мусибатдир. Бу қайғули кунларни мамлакатингиз аҳли мардонавор енгиб ўтишига ишонамиз.

Ўзбекистон фарзандларининг умрига зомин бўлган авиаҳалокат муносабати билан юртдошларим номидан билдираётган чуқур ҳамдардлигимни қабул қилгайсиз.

**Анатолий ЛИСИЦИН,**
**Ярославль вилояти Губернатори,**
**Россия Федерацияси Давлат Кенгашининг аъзоси.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Йўловчи самолёти ҳалокатга учраб, инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чин дилдан билдираётган ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

МДҲ Ижроия Қўмитаси қурбон бўлганларнинг оилаларига, қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Эҳтиром ила,

**Юрий ЯРОВ,**
**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия Қўмитаси Раиси — Ижрочи котиби.**

# Жўқорғи Кенгесда мажлис

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Оқсаройда болалар спортини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда кун тартибига қўйилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис ўтказилди. Жўқорғи Кенгес раиси Муса Ерниязов олиб борган ушбу йиғинда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, соҳа мутахассислари иштирок этишди. Унда жамғарма Қорақалпоғистон бўлими ижрочи директори Еркин Қутибоевнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда таъкидланганидек, Қорақалпоғистондаги мавжуд 314 овул ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари, 763 та мактаб, 69 та касб-ҳунар коллежида 398836 ўқувчи таълим олмоқда. 440 та спорт зали, 3000 спорт майдончаси улар ихтиёрида. Доимий спорт билан шуғулланадиган болалар 36800 нафарни ташкил этаётгани бу борада кескин ўзгаришга эришиш кераклигини кўрсатмоқда. Кейинги пайтда Нукус шаҳри ва бир қатор туманларда болалар спортига бўлган эътибор ошди. Спортнинг 23 тури бўйича 271 та янги секция очилиб, уларга 8126 бола жалб этилди. Спорт билан доимий шуғулланадиган болалар сони 2003 йил давомида 2,5 баравар кўпайди.

Мажлисда қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф қилиш чоралари белгиланди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангиберганов иштирок этди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «Регистоннон» нонлари

*Самарқанд нафақат ўзининг тарихий обидалари, чиройли табиати, меҳридарё, меҳнаткаш одамлари билан балки нонининг таърифу тавсифи билан ҳам дунёга донг таратган. Самарқанддан ўтган йўловчи борки, ҳеч бўлмаганда бир жуфт нон харид қилади. Бу неъматларнинг мазаси, қип-қизариб пишган ранг-баранг шаклу шамойили-да азим шаҳар новвойлари маҳоратидан далолат беради.*

*«Регистоннон» масъулияти чекланган жамият ҳам айнан шу шаҳарда фаолият кўрсатади. Унинг бир-биридан фидойи ишчилари мазали, турли шакл-шамойилдаги нон маҳсулотларини тайёрлаб бермоқда. Уларнинг шиори ҳар доимгидай жўн ва содда: сифатли ва ейишли, арзон ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш!*

**СУРАТДА: «Регистоннон» масъулияти чекланган жамияти технологи Аралбой Пўлатов.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Касални яширишдан не фойда?

*Самарқанддаги вилоят матбуот марказида ўтказилган навбатдаги анжуманда залда бўш жой қолмади. Вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Рустам Қўчқоров қисқача ахборот бериб, анжуманни савол-жавоб тарзида ўтказишни таклиф этди. Саволлар тўхтовсиз бўлди. Баҳс-мунозаралар давом этди. Айрим саволлар биргина солиқ тизимига эмас, бошқа соҳаларга ҳам тегишли эди. Шунда таклиф этилган прокуратура, ички ишлар, бозорлар уюшмаси, санитария-эпидемиология назорати марказлари вакиллари ҳам саволларга жавоб излашга тўғри келди.*

Бу билан биз Самарқандда солиқ тизими нуқсонсиз ишлаяпти, демоқчи эмасмиз. Фақат бу соҳа ходимларининг жамоатчилик билан яхши ишлаётганини ва бу ижобий самара бераётганлигини таъкидламоқчимиз, холос.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида самарқандлик солиқчилар бюджетга режадаги 56 миллиард 170,4 миллион сўм ўрнига 56 миллиард 644,6 миллион сўм маблағ ундиришди. Ноқонуний иш юритаётган тадбиркорларни рўйхатга олишдаги натижа янада юқори. Тўққиз ойнинг ўзида солиқ соҳасидаги қонунларни бузган 55 хўжалик юритувчи субъектга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

— Чет элда, хусусан, ривожланган мамлакатларда солиқдан бўйин товлаганларга жиддий чоралар қўлланилиши бугун барчамизга аён, — дейди бошқарма бошлиғи Рустам Қўчқоров. — Боиси — солиқ сиёсати доимий равишда қонун даражасида ишлайди. Бизда эса солиқ тўловчи буни ҳар доим ҳам тушунавермайди. Демак, биз кўпроқ эътиборни тарғибот ишларига қаратишимиз керак.

### Солиқ тизими

Йилнинг ҳар чорагида журналистлар билан ўтказиладиган матбуот анжуманида ҳеч нарса яширилмайди. Тўғри-да, касални яширишдан не фойда? Охир-оқибатда иситмаси ошкор бўлади. Ҳар бир учрашувда журналистлардан таклифлар тушади. Масалан, бозорлардаги тушумларда тартиб йўқлиги боис ўтказилаётган текширувларда журналистларнинг ҳам иштирок этиши айтилди. Мен бу таклифни мамнуният билан қабул қилдим ва келгуси текширишларнинг ўзидаёқ сафимизда журналистлар ҳам бўлади, деб умид қиламан.

Бугун самарқандлик солиқчилар фаолиятларини асосан уч йўналишга қаратишган: нақд пул тушумини назорат қилиш, ноқонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни рўйхатга олиш ва янгидан иш бошлаган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш.

Хуллас, солиқ хизмати ходимлари мамлакат хазинасини тўлдиришда фуқаролар билан ҳамжиҳатликда иш юритишмоқда. Уларнинг вазифаси жарима қўллаш, корхоналарнинг фаолиятига зарар етказиш эмас, балки бу соҳада қонун бузилишларининг олдини олишдир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Фан ёрдамида хавфсизлик»

*Тошкент (ЎзА мухбири А. ИВАНОВА).*

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида ўтказилган семинар доирасида НАТО Илмий қўмитасининг "Фан ёрдамида хавфсизлик" деб аталган янги дастури тақдимоти бўлиб ўтди.

Улкан илмий-техникавий салоҳиятга эга мамлакатимиз бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда, деди семинарнинг очилишида Фан ва технологиялар маркази директори ўринбосари, НАТО Илмий қўмитасининг Ўзбекистон томонидан аъзоси Али Охунов. Шимолий Атлантика иттифоқининг илмий ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили Ўзбекистон олимлари НАТОга аъзо давлатлардаги ҳамкасблари билан бирга энергетика, ахборот технологиялари, янги материалларни яратиш каби йўналишларда қатор тадқиқотларни амалга оширди. Бу мақсадлар учун Илмий қўмита умумий қиймати 500 минг АҚШ долларига яқин миқдорда грантлар ажратди. Республикамизда унинг шафелигида Марказий Осиё минтақаси учун аҳамиятли бўлган сувдан фойдаланиш, чўлларнинг кенгайишига қарши кураш, энергиянинг ноанъанавий манбалари каби муаммолар юзасидан халқаро семинарлар ўтказилди. Янги дастурда иштирок этиш Ўзбекистон олимларининг халқаро илмий ҳамжамиятга янада интеграциялашувига хизмат қилади.

НАТО Илмий қўмитаси дастурлари директори Крис Виспиляер семинар қатнашчиларини "Фан ёрдамида хавфсизлик" дастурининг истиқболлари билан таништирди.

Ўтган йилнинг июнь ойида Киевда бўлиб ўтган учрашувда НАТО кенгаши тинчлик йўлидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлашнинг янги концепциясини қабул қилган. "Фан ёрдамида хавфсизлик" номи дастурнинг мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалайди. У "Фан тинчлик йўлида" деб аталган аввалги дастурнинг мантиқий давоми саналади. Энди иттифоқ ва лойиҳаларда қатнашаётган мамлакатлар томонидан белгиланган фаннинг устувор йўналишлари билан боғлиқ қўшма тадқиқотларгагина грант шаклида ёрдам ажратилади. Биринчи навбатда, улар терроршиликка қарши кураш ва хавфсизликка бошқа таҳдидлар, шу жумладан, экологик таҳдидларга қарши туриш билан алоқадор бўлиши керак. Бу йўналишда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган лойиҳалар кенгайтирилади.

НАТО Илмий қўмитаси Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари олимлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар учун грантлар сонини кўпайтиришга қарор қилди.

Шунингдек, дастур доирасида долзарб тадқиқотлар бўйича халқаро семинарлар ўтказиш, қўмита томонидан эълон қилинган лойиҳалар танловига келиб тушаётган таклифларни баҳолаш учун экспертларнинг ташрифларини уюштириш кўзда тутилмоқда. Семинар қатнашчилари "Фан ёрдамида хавфсизлик" дастурида иштирок этиш учун бериладиган аризаларнинг янги шакллари билан таништирилди.

### Қонун ва ижро

*Бир ойдирки, Исроил Ёқубовнинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Ўн ёшли ўғли Нуриллонинг кўзлари ток уришидан шикастланди. Мутахассислар боланинг кўзларини хорижда операция қилдиришни маслаҳат беришди. Бироқ, чет эл қўшнининг уйимидики, лип этиб чиқиб келса. Энг аввало, каттагина маблағ керак.*

*Кўз ўнгида ёруғ дунёни кўришга қийналиб бораётган ўғлининг ожиз термулишларига чидаёлмай ота топган-тутганини жамлади. Бироқ, камлик қилар экан...*

# Сизга айтар гапим бор

Минг истиҳола билан ҳоким қабулига киришга аҳд қилди. Қабулдан Исроил аканинг кўнгли ёришиб чиқди. Туман раҳбари Нуриллонинг кўзлари очилиши учун қўлидан келган ёрдамни аямаслигини айтди. Хайрли ишнинг хайрихоҳи кўп. Қисқа фурсатда бир миллион сўмга яқин маблағ уюштирилиб, оила бошлиғининг қўлига тутқазилди. Ота-бола Германиянинг Штрупхен шаҳридаги клиникага отландилар. Айни пайтда Исроил ака нуридийдасини хорижда даволатаяпти.

Одамлар қачон раҳбар ҳузурига шошадилар? Арзларига етарлича жавоб олишга ишонч уйғонганида. Агар ҳафсала пир бўлса-чи? Хат ва шикоятлар юқорига учади.

— Ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг тақдир ва муаммолари бор. Ариза, шикоят битилган мактубни ўқиётган ёки фуқарони шахсан қабул қилган масъул ходим масалага ана шу жиҳатдан ёндашсагина эл ишончига киради, — дейди Косонсой туман ҳокимлиги девонхонаси мудири Исроилжон Ҳошимхўжаев.

Туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқарув идораларида одамлар дардига қулоқ тутиб, кўтарилган масалани охиригача етказиш одат тусига кирган. Жумладан, ҳокимиятга қилинган мурожаат борки, унинг мазмунидан тортиб тақдиригача девонхона компьютерида аксини топади. «Электрон мия»га киритилган махсус дастур ижро назоратини аниқ олиб боради. Жавоб қайтариш муддати яқинлашдими, масъул шахснинг исми-шарифи рўпарасида огоҳлантирувчи белги пайдо бўлади.

— Йилнинг ўтган даврида 394 та мурожаат қайд этилди. Шундан 288 таси раҳбарлар ҳузурида билдирилган. Кўпчилик ўзини ташвишлантираётган муаммолар хусусида мутасаддилар билан юзма-юз келишиб олишни маъқул кўрмоқда, — изоҳ беради компьютерни «очиб» И. Ҳошимхўжаев.

Хўш, Косонсойда кўпроқ қай масалалар хусусида арз қилишади?

Таҳлилларга қараганда, 182 киши турар-жой қуриш учун ер олишда қийналаётгани, 53 фуқаро фермер хўжаликлари, 31 киши моддий ёрдам масалаларида мурожаат этишган. Уларнинг аксарияти асосли. Олайлик, ҳовли-жой қуриш масаласи. Оилалар йил сайин кенгайиб, янги ҳовли-жойга эҳтиёж ортаётгани бор гап. Бугун биргина Косонсой шаҳрининг ўзида уй-жой учун 2300 киши навбатда турибди. Масала долзарблиги ҳисобга олиниб, шаҳар учун икки ширкат хўжалигидан 77 гектар ер ажратилди ва 800 дан зиёд фуқаронинг аризаси қондирилди. Бошқа муаммолар ҳам шу тарзда ҳал этиляпти.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Убайдулло Маматов ҳар душанба куни ўтказиладиган ҳокимлик соатини ижро интизомидан бошлайди. Уни ким бузган бўлса, қатъий баҳосини олади. Яқинда Косонсой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Неъматжон Домлашоевнинг шу масала бўйича ҳисоботи эшитилди. Аризаларнинг энг кўпи мазкур ҳудуддан тушган. Одамлар оддий масалаларда ҳам жойида жавоб ололмаётганликлари оқсоқолга рўйирост айтилди. «Ширин» қишлоғи оқсоқоли Қаюмжон Исроилов фаолиятида бу борада расмиятчилик сезилди. Ишда кескин ўзгариш ясаш икковларидан ҳам талаб қилинди.

И. Ҳошимхўжаевнинг фикрича, жойларда бу муҳим масалага бефарқлик билан қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Шунданми, юқори идоралар: Президент Девони, Вазирлар Маҳкамасига турли аризалар тушиши давом этмоқда. Тўғри, қаерга, қай мазмунда мурожаат қилиш фуқаронинг ҳуқуқи. Бироқ, уни суиистеъмол қилиш, арзимаган масалалар билан мутасаддиларнинг вақтини олиш ҳам тўғри эмас-да. Шикоятчиларнинг аксарияти фермер хўжалиги, ҳовли-жой учун ер, моддий ёрдам сўраб битилган. Ровот қишлоғида яшовчи Ҳабибулло Қўчқоров енгил машина сўраган, туман маркази фуқароси Шуҳрат Қосимов олий ўқув юртига киришга кўмак истаб хат йўллаган. Айрим фуқаролар муаммолар ечими, аввало, қуйи бўғиндан бошланишини, уларда ҳал қилинмаган тақдирда босқичма-босқич мурожаат этилиши мумкинлигини унутиб қўймоқдалар. Бўлмаса, Косонсой шаҳрида яшовчи Бобохўжа Умаров қизи М. Умарова таклиф этилган ер участкасини рад этганлигини била туриб, Тошкентга икки марта шикоят ёзармиди?

Мустақил юртимиз фуқаролари ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш хусусида мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бу ҳақда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда аниқтиниқ ёзиб қўйилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб ва муддатлари ҳам қатъий белгилаб қўйилганлиги, мансабдор шахслар зиммасига катта масъулият юклайди. Косонсойда қонун ижроси ана шу талабдан келиб чиқиб ташкил этилаётганлиги барчага маъқул тушмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Деҳқоннинг қишки юмушлари

Бўз тумани «Янги турмуш» ширкат хўжалигида қишлоқ хўжалик техникалари икки ой аввал экиш мавсумига шай қилиб қўйилди.

Ширкат хўжалиги раиси Мўйдинжон Ҳусановнинг таъкидлашича, деҳқонлар жорий йилда 640 гектар майдонга чигитни плёнка остига экишни мўлжалламоқда. Бунинг учун ўнта трактор ва 16 та сеялка, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик техникалари тахт қилинди. Айни пайтда хўжалик далаларига маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

**К. НИЗОМОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

# Ҳаж зиёратига жўнашди

Ўзбекистонлик мусулмонларнинг катта гуруҳи ислом арконларидан бири — ҳаж ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетишди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» агентлиги.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг 10 январь — 12 февраль кунлари мамлакатимизнинг 3800 нафар фуқароси муқаддас каъба зиёратида бўлиб қайтишади.

Зиёратчиларни жўнатишни ташкил этиш, визалар олиш ва Саудия Арабистони элчихонаси билан боғланиш ишлари билан республика диний идораси шуғулланмоқда. Мазкур ишларга Ички ва Ташқи ишлар вазирликлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам жалб этилган.

# Қашшоқликка қарши кураш

## Америка давлатлари саммитидаги асосий мавзулардан бири бўлди

*Мексиканинг Монтеррей шаҳрида Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Қитъанинг ўттиздан зиёд мамлакати раҳбарлари иштирок этган йиғилишда қашшоқлик ва коррупцияга қарши кураш, таълим ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.*

Кузатувчилар, анжуман қитъадаги муаммоларни очиқча муҳокама қилиб олиш учун катта имконият яратишини башорат қилишганди. Дарҳақиқат, бугунги кунда минтақада муаммолар етарли. Улардан энг асосийси — қашшоқлик. Қитъанинг турли мамлакатларида ўнлаб йиллар давомида олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай, ҳозир Лотин Америкасининг 200 миллиондан зиёд аҳолиси қашшоқликда кун кечирмоқда.

Муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Америка Қўшма Штатлари анжуман бошланмасдан мазкур муаммони минтақада эркин савдо ҳудуди ташкил этиш орқали ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлаганди. Шуning учун Вашингтон Бутунамерика Савдо ҳудуди (FTAA)ни 2005 йилнинг 1 январидан вужудга келтиришни таклиф қилди. Агар у ташкил этилса, дунёдаги энг йирик эркин савдо ҳудуди бўлади ва 800 миллиондан зиёд киши истиқомат қилаётган минтақани қамраб олади.

Бразилия, Мексика ва Венесуэла эса бундай ҳудуд муаммони ҳал қилолмаслигини билдириб, ижтимоий масалаларга кўпроқ урғу бериш лозимлигини айтишди. Яна улар минтақада бу борадаги ислоҳотларни амалга ошириш учун АҚШдан қишлоқ хўжалигига субсидиялар камайтирилишини талаб қилишди. Перу президенти Алехандро Толедо ҳам бу фикрни маъқуллади. Аммо АҚШ етакчиси ўз нуқтаи назари тўғри эканини таъкидлади.

Икки кун давом этган саммит якунига кўра қабул қилинган декларацияда 2005 йилда Америкада эркин савдо ҳудуди ташкил қилиш қайд этилди. Айтиш лозимки, Бразилия ва Венесуэла ҳужжатда эркин савдо ҳудуди ҳақида айтилмаслигини хоҳлашганди. Бундан ташқари, ҳужжатда



давлатларнинг минтақада қашшоқликка қарши кураш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ғояларига содиқ эканликлари ҳам айтиб ўтилган.

Анжуманда сиёсий масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Сиёсатдонларнинг фикрича, АҚШ саммитда Мексика ва Канада билан алоқаларни яна ҳам яхшилашга интилди ва бу борада маълум натижаларни қўлга киритди. АҚШ президенти Жорж Буш Мексикага келгач, мамлакат президенти Висенте Фокс билан учрашди. Сўнгги пайтларда икки давлат ўртасида баъзи келишмовчиликлар вужудга келганди. Учрашувдан сўнг икки президент ўзаро муаммолар барҳам топганини билдиришди. Шунингдек, Мексика президенти Бушнинг бундан бирмунча илгари ноқонуний муҳожирлар тўғрисидаги баёнотномасини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Албатта, Фокснинг АҚШ президенти фикрига бошқача муносабат билдиришини ҳеч ким кутмаганди. Чунки АҚШдаги ноқонуний муҳожирларнинг кўпчилиги, айнан, мексикаликлардир. Жорж Буш ушбу режасини ноқонуний муҳожирларга нисбатан амнистия эмас, балки вақтинча ишлаётганлар хизмат муддати тугагач, ўз мамлакатларига қайтишлари мумкинлигини билдиришини таъкидлади.

Жорж Буш Канада Бош вазири Пол Мартан билан ҳам мулоқотда бўлди. Учрашувдан сўнг Канада фирмалари ҳам Ироқни тиклашда қатнашишлари мумкинлиги маълум бўлди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур анжуманга Куба етакчиси Фидель Кастро таклиф қилинмади. Жорж Буш «Озодлик ороли» раҳбарини қаттиқ танқид остига олиб, минтақанинг барча фуқаролари эркин яшаш ҳуқуқига эгалиги ва Америкада диктаторлик тузумлари барҳам топиши лозимлигини билдирди. Шунингдек, АҚШ етакчиси минтақа мамлакатларини Кубанинг тинч йўл билан демократик давлат қуришга ўтишида саъй-ҳаракатларини аямасликка чақирди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

**Франция билан Германия кетма-кет уч йилдан буён Европа Иттифоқи комиссияси талаб қилаётган бюджет тақчиллигини камайтириш режасини ишлаб чиқмаяпти. Франция ҳукумати мамлакатда иш вақтини кўпайтириш орқали бюджет тақчиллигини қисқаришига эришиб бўлмаслигини, ҳатто бунга имконият йўқлигини маълум қилмоқда.**

# Бюджет тақчиллиги бартараф этиладими?

Евроҳудудга кирган давлатларда иқтисодий барқарорликни сақлаш мақсадида имзоланган пактга биноан, бюджет тақчиллиги аъзо мамлакатларда уч фоиздан ошмаслиги керак. Комиссия аъзолари Франция ва Германиянинг кетма-кет уч йилдан буён мазкур шартни бажармаётганлигидан хавотирда. Чунки бу ҳолат иттифоқдошлар ўртасида норозилик кайфиятини уйғотиши мумкин. Иқтисодиёт вазири Алена Ламбернинг сўзларига қараганда, Франция Европа Комиссияси талабини бажаришга ҳаракат қилмоқда.



Ўтган йили ЕИ Париждан 3 октябрга қадар мамлакатдаги бюджет тақчиллигини камайтириш режасини ишлаб чиқиб, комиссияга тақдим этишни талаб қилган эди. Акс ҳолда ЕИ санкция қўллашга мажбур бўлиши ва Франциядан катта миқдорда жарима ундирилиши маълум қилинганди.

Шунга қарамасдан, мамлакат молия вазири Франсис Мер Париж 2004 йил учун ишлаб чиққан давлат бюджети режасини ўзгартириш мақсади йўқлигини билдирди.

2003 йили Францияда бюджет тақчиллиги 4 фоизни ташкил этган бўлса, мутахассисларнинг башорат қилишича, бу йил 3,6 фоизга тушади.

Алена Ламбер Европа Комиссияси талаб қилаётган шартни бажариш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, ҳафталик иш вақтини 35 соатга кўпайтириш орқали ҳаракат қилинса, давлат бюджетидан яна қўшимча чиқим талаб қилиниши табиий.

Ўтган йил Франция иқтисодиёти учун оғир йил бўлди. Ялпи ички миллий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 0,5 фоиздан ошмади. Ишсизлар сони ҳам деярли 10 фоизга ўсди. Би-Би-Си мухбирининг билдиришича, мамлакатда иқтисодий ўсишнинг бундай ёмон тус олиши ҳукуматнинг обрўсизланишига олиб келмоқда.

Би-Би-Си мухбирларининг айтишича, Германиянинг аҳволи Францияникидан яхши эмас. Германия молия вазирининг таъкидлашича, олинган қарзлар ва хусусийлаштиришдан келган маблағ эвазига бюджет тақчиллигини бир оз барқарорлаштириш кутилмоқда. Ишлаб чиқилган бюджет лойиҳасига кўра, бу йил иқтисодий ўсиш суръати 2 фоиздан ошмайди. Хуллас, оғир вазиятдан чиқиб кетишга нафақат мухолифатдагилар, балки режа муаллифлари ҳам шубҳа билан қарамоқда. Бундан ташқари, бюджет режаси ишсизлар сонининг қисқариш имконини ҳам бермаслиги аниқ.

Айни пайтда Германияда солиқларни камайтириш жараёни кетмоқда. Натижада давлат бюджети 15,6 миллиард еврога қисқаради. Ҳукумат шу йўл орқали иқтисодий ўсиш суръатини жадаллаштиришни кўзламоқда.

Мамлакат молия вазири давлат бюджети режасини қабул қилишда парламентни ишонтира олди. Бироқ немис иқтисодиёти бирор мўъжиза содир бўлишини кутмоқда.

Германия канцлери Герхард Шрёдер давлат бюджетида 15 миллиард евро камомад борлигини маълум қилди. Бу бўшлиқни тўлдириш қийинлигини молия вазири ҳам тасдиқлади. 2003 йилнинг биринчи уч ойлигидаёқ Германия иқтисодиётининг пастга тушиши кузатилди. Евро мамлакатнинг экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда ишсизлар сони 4 миллион кишига етди.

Германия ҳукумати иқтисодиётни оғир аҳволдан олиб чиқиш чораларини изламоқда. Хусусан пенсия ва ишсизларга тўланадиган компенсация миқдорини қисқартириш йўлларини кўриб чиқмоқда. Аммо аҳоли ижтимоий ҳимоянинг камайтирилишига норозилик билдирмоқда.

Ўтган ҳафтада Еврокомиссия бу масалада бир қарорга келишда иккиланиб қолди. Яъни комиссия ЕИнинг бюджет тақчиллигини бартараф этиш борасидаги қоидасининг Германия ва Франция тарафидан яна бузилишидан кўз юмадими ёки бу мамлакатларга нисбатан жазо чораларини ишлаб чиқадими? Нима бўлган тақдирда ҳам, Еврокомиссия бир қарорга келиши шарт. Акс ҳолда ЕИ аъзолари ўртасида зиддият келиб чиқиши мумкин.

**Юнус БЎРОНОВ.**

# «Келажак жамияти»

## унда роботлар ва инсонлар бирга яшайди

*Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги Токиода бўлиб ўтаётган роботлар кўргазмасида мухлислар томонидан энг зўр деб топилган элликта роботни оммавий ишлаб чиқариш учун саралаб олишини билдирди. Вазирлик вакилларининг фикрича, робототехника XXI аср япон индустриясининг устувор йўналиши бўлиб қолади.*

Оммавий ишлаб чиқариш учун энг мукаммал роботлар танлаб олинади. Токио кўргазмасига қўйилган роботларнинг айримлари етарлича такомиллашмаган. Мукаммал роботлар бир неча хорижий тилларда гаплаша олишлари, кўча ва ҳовлиларни мустақил равишда қўриқлай билиши, ногиронларга ҳамроҳлик қилишни уддалаши керак.

Вазирлик янги авлод роботларини ишлаб чиқарувчиларга ёрдам кўрсатади ва 2006 йилга келиб робот ишлаб чиқаришни оммалаштиради. 2010 йилда тажриба сифатида «келажак жамияти» тузилиши кутилмоқда. Ушбу жамиятда робот ва инсонлар бирга ҳаёт кечиради. Тажрибадан мақсад, робот техникани автомибиль ишлаб чиқариш каби миллий саноатнинг устувор йўналишига айлантириш.

Жорий йилда робот техникани ривожлантиришга давлат бюджетидан 3,1 млрд иен (25 млн. 800 минг доллар) ажратилади.

Февраль ойида вазирлик роботларнинг янги авлоди кўргазмасини ўтказишни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, вазирлик илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга кетадиган маблағларнинг ярмини тўлашни ва кўргазмада иштирок этадиган роботлар моделларини яратиш ишларини молиялаштиришни ҳам ўз зиммасига олмоқчи.

Айни пайтда, роботларни оммавий ишлаб чиқаришга йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги ва бошқа бир неча қонунлар тўсқинлик қилиб турибди. Чунки роботларни синовдан ўтказиш ишларини катта йўлларда олиб бориш керак. Айнан шу қонунлар роботларни узоқ муддатли синовдан ўтказиш ва эксплуатация муддатларини аниқлашга имкон бермаяпти.

Бу муаммони ҳал қилиш учун вазирлик кўргазма ташкилотчиларига кўргазма майдонининг бир қисмини роботларни синовдан ўтказиш учун ажратишни таклиф қилди. Ташкилотчилар рози бўлишди. Уларнинг фикрича, роботлар имкониятларини намойиш қилиш кўргазманинг энг қизиқарли қисми бўлиб қолади.

**Хуршид РАУПОВ**

Спорт

# «Australian open» теннис маликаларисиз ўтади

Уч кундан сўнг бошланадиган улкан тож туркумига кирувчи "Australian open" теннис мусобақаларининг аёллар ўртасидаги баҳсларида дунёнинг етакчи ракетка маликалари иштирок этмаслиги мумкин. Жумладан, яшил қитъа турнирида икки бор (2001 ва 2002 йиллар) зафар қучган америкалик Женнифер Каприати Австралияга бормаслигини маълум қилди. Каприатидан ташқари, жаҳон таснифида иккинчи ўринда бораётган бельгиялик Ким Клейстерс ҳам бундай нуфузли мусобақада иштирок этолмайди. У ўтган ҳафтада "Хопман" кубогида жароҳат олган. Сўнгги хабарларга қараганда, Серена Уильямс, Моника Селеш, Елена Докич сингари дунёнинг энг етакчи ракетка соҳибалари ҳам бу турнирда қатнашолмайди.

# Олимпиадага мезбонлик қилмоқчи

Истанбул шаҳри 2012 йилги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилмоқчи, дея хабар қилади Туркиянинг "Fanatik" газетаси. Газетанинг ёзишича, кеча Туркия миллий олимпия қўмитаси бу ҳақда халқаро Олимпия қўмитасига мурожаатнома ёзган.

Истанбул билан бирга Нью-Йорк, Гавана, Лондон, Париж, Мадрид ва Москва шаҳарлари ҳам 2012 йилги Олимпиада ўйинларини ўтказиш учун ўз номзодларини қўйишган.




# Тимсоҳ мақсадига етолмади

Австралиянинг Финикс дарёси ёқасида сайр қилиб юрган уч йигит велосипедларини ювиб олмоқчи бўлишди. Шу мақсадда сувга тушишган эди, кутилмаганда тўфон кўтарилиб, улардан бирини дарё оқизиб кетди. Шериклари унга ёрдам бериш мақсадида ўзларини сувга отишди. Шунда, бирдан қаердандир тимсоҳ пайдо бўлди-ю оқиб кетаётган йигитни сув тагига тортиб кетди. Кейин унинг шерикларига ҳужум қилди. Қийин аҳволда қолган икки ҳамроҳ дарё бўйидаги дарахтга чиқиб олишди ва 22 соат давомида пастга туша олишмади. Чунки тимсоҳ шунча пайт ҳеч ёққа кетмасдан дарахт тагида уларни пойлаб ётди. Яхшиям, шу атрофда одамлар юрган экан. Улар вертолётда келиб, "тутқинлар"ни озод қилишди.

# Минг йиллик дарахт

Вьетнамнинг Бакзянг музофотида ноёб дарахт топилди. Олимларнинг фикрича, айланасининг диаметри 11 метрлик мазкур дарахтнинг ёши 1000 йилдан ошган. У дунёдаги энг кекса дарахтлардан бири ҳисобланади. Яна битта минг ёшдан ошган дарахт Шри-Ланкада бўлиб, "Шри Маха Бодхи" номи билан машҳур.



# Байрам байрамдай бўлди

Рио-де-Жанейронинг машҳур Копакобан майдонида янги йил оқшоми протехника шоусига айланиб кетди. Янги йил киргандан сўнг ўтган 12 – 15 минут ичида самога 20 мингта портловчи ракеталар отилди. Уларнинг умумий оғирлиги 155 тоннани ташкил этади.

# Туганмас манба

Япониялик олимлар туганмас манбага эга бўлган батареялар яратишди. Маълумотларга кўра, мазкур батареялар қувватни тўғридан- тўғри ҳаводан олади. Вазни 9 граммлик ушбу батареялар таркибида эпоксидли смола ва оксидли титан мавжуд.

# Бахт неча пул туради?



Маълумотларга қараганда, бахтни нархлаш ҳам мумкин экан.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсон ўз орзуидаги уй ва машинага эга бўлиши учун унга 4 миллион 817 минг 616 доллар керак экан. Бунинг ичига инсон ўзи хоҳлагандек ҳаёт кечириш ва дам олиши ҳам киради.

Personal Finance хизматининг ҳисоб китобига қараганда, ғарбда бу маблағни 94 йил ишлаб топса бўлар экан.

*Ўқинг, қизиқ*

Аёлларга тўла бахтли бўлиш учун эркаклардан кўра кўпроқ пул талаб қилинаркан. Эркак бахти 4,7 миллион доллар турса, аёл бахтли бўлиши учун 4,8 миллион доллар сарфлаши керак экан.

Инсон улғаяркан бахт учун сарфланиши керак бўлган пул миқдори ҳам ошиб боради. 24 ёшга тўлганларга 4,6 миллион доллар керак бўлса, 44дан 55 ёшгача бўлганлар бахтли бўлишлари учун 5,2 миллион доллар зарур бўлади. Сўровномада 2500 минг киши иштирок этди. Юқорида акс этган бахт нархи ушбу сўровнома жавоблари асосида ҳисоблаб чиқилган.

# Битим имзоланди



Ливия оммавий қирғин қуролларини яратишни тақиқловчи битимни ратификация қилди. Бу ҳақда МАГАТЭнинг Венадаги қароргоҳидан хабар олинди. Халқаро кузатувчилар гуруҳи Ливиянинг Мисрат туманини текширганларидан сўнг мазкур ҳужжатни тайёрладилар. Мутахассислар фикрича, Ливиянинг ядро дастури ядро бомбаси яратиш имконини бермайди.

# Марсга одам учирилади

Бундан 30 йил бурун америкалик космонавт биринчи бўлиб Ойга қўнган эди. Эндиликда америкаликлар Ойда доимий фаолият юритадиган станция қуриш ва Марсга инсоният вакилини учиришни мўлжалламоқдалар. АҚШ президенти Жорж Буш бу борадаги режани маълум қилди. Жорж Буш ўзининг мазкур ташаббуси билан бу йил АҚШ президентлиги учун бўлиб ўтадиган сайловда тарафдорларини кўпайтириш умидида.




Президент режасига кўра, 2008 йилда бир гуруҳ қурувчилар Ойга юборилади, ва у ерда станция қуришади. Кейинроқ, у ерга астронавтлар жўнатилади. Улар Ойдан туриб Марсга учишлари керак.

# Музокараларнинг иккинчи босқичи

Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов Шимолий Кореянинг оммавий қирғин қуроли дастури атрофида тўпланиб қолган муаммоларни муҳокама этиш ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Пекинга келди. Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Александр Лосюковнинг маълум қилишича, Пхеньян билан ядро дастури борасида халқаро музокараларнинг иккинчи босқичи бошланди. Ўтган йил октябрь ойида Хитой ва Шимолий Корея ўтказган музокаралар чоғида, АҚШ тарафидан иқтисодий ёрдам кўрсатилсагина Пхеньян ўзининг ядро дастуридан воз кечишини билдирганди. Россия томони бу таклифни ижобий баҳоламоқда.

# Ўн тонналик динозавр

Бразилия олимлари мамлакат шимолидаги Амазонка чангалзорларидан динозавр қолдиқларини топишди. Рио-де-Жанейро университети олимларининг маълум қилишича, топилган қолдиқлар шу пайтгача фанга номаълум бўлган динозаврлар турига тааллуқли бўлиб, уларнинг ёши 110 миллион йил деб тахмин қилинмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу динозаврларнинг оғирлиги 10 тонна атрофида бўлиб, бўйи 10 метрга етган.

# Аэропортдаги тақиқлов

Швейцария ҳукумати хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида мамлакат аэропортларига самолётлари қўниши тақиқланган авиакомпаниялар рўйхатини эълон қилди. Бунга Озарбойжон-Бельгия ҳамкорлигидаги Silk Way, Украинанинг Dniproavia, Болгариянинг Hemus Air, Америка-Ливан ҳамкорлигидаги JR Executive, Нигериянинг Premium Air Shuttle ва Испаниянинг GIR Jet авиакомпаниялари киритилган.



3 январь куни Мисрнинг Flash Airlines компаниясига қарашли Boeing-737 самолётининг Қизил денгиз устидаги учраган ҳалокатидан сўнг Швейцария ҳукумати шундай тақиқлов билан чиқди.

# Хабарлар текширилмоқда



АҚШ махсус хизмат ходимлари томонидан «Ал-Қоида»га тегишли террорчилик лойиҳалари билан боғлиқ интернетдаги хабарлар муфассал таҳлил қилинмоқда. Бир қанча диний экстремистик ташкилотларнинг интернет сайтларида пайдо бўлаётган хабарларда айтилишича, улар режалаштирган террорчиликлар натижасида бутун-бутун шаҳарлар йўқ бўлиб кетиши мумкин эмиш.

Шу ҳафтада топилган «Ал-Қоида»га тегишли бир ахборотда яқин ўртада Америкада ядро бомбаси портлаши ҳақида гап боради. Хуллас, шу каби олди-қочди хабарлар интернет сайтларида кўплаб учрайди. АҚШ ва Буюк Британия махсус хизмати бундай хабарларни диққат билан ўрганиб чиқмоқда.

# Эрон жанубида яна зилзила

Теҳрон университетининг геофизика маркази хабар беришича, ўтган куни Эроннинг жанубидаги Фарс ва Бушер провинцияларида икки марта ер қимирлаши кузатилган. Рихтер шкаласи бўйича зилзила 5 ва 4,7 баллни ташкил қилган. Ҳозирча қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

«ВОЛГА» автомобиллари СОТИЛАДИ
пул ўтказиш йўли билан
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан **ГАЗ-3110, ГАЗ-3102** автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.
Телефон: 119-21-83.

# Матонат

Ўтган йил охирларида Россиянинг Суздаль шаҳрида армрестлинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида жиззахлик Умиджон Аҳмедовнинг ғолиб чиққани ҳақидаги хушхабар газетхонларнинг эсида. Чемпион билан учрашиш ниятимиз эса яқиндагина ушалди. Қаршимда ҳассага таянган йигитни кўриб, рости, бир оз ажабландим. Буни у ҳам сезди шекилли, ўзи ҳақида гапириб бериш тўғрисидаги саволимга қисқагина жавоб қайтарди.

— Асли Фарғонада туғилганман. 6 яшар пайтимда полиамиелит билан касалланиб, чап оёғим дармонсизланиб қолди. Икки йил ўтгач — 1986 йилда Жиззахга кўчиб келдик. Оёғимни даволаш борасидаги барча уринишлар зое кетди. Ўшандан буён II гуруҳ ногироniман.

— Қачондан буён спорт билан шуғулланасиз?

— Мен спортни умримнинг бир бўлаги, деб тушунаман. Ногиронликдан кейин жисмоний тарбияга зўр бердим. Тенгдошларимдан ҳечам орқада қолишни истамасдим. Ҳаракатчан ўйинларда тенгма-тенг қатнашсам дердим. Мустақиллик йилларида жойларда ногиронларнинг турли спорт жамоалари тузила бошланди. Мен бир йўла футбол, югуриш, сузиш билан шуғулландим. Мақсадим — катта мусобақаларда қатнашиш эди.

— Аммо сиз армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони бўлдингиз?

— Аслида спортнинг ўша турларисиз бу даражага етолмасдим. Армрестлингга ишқим тушгани қизиқ бўлган. Видеосалонда қайсидир чет эл фильмидаги қўлни қайириш мусобақаларини кўриб қолдим. Қайта-қайта томоша қилдим. Ён-атрофдагилар билан куч синашиб, тажриба орттирдим. Қўшни Сирдарё вилоятида уюштирилган бир неча мусобақаларда ғолиб чиққач, мен билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти кафедра мудири, армрестлинг федерациясининг ўша пайтдаги раиси Фитрат Керимов қизиқиб қолди. Ўшандан буён ҳақиқий профессионал мутахассислар ёрдамида мусобақаларга тайёрланаяпман.

**Спортимиз юлдузлари**

— Энг эсда қолган мусобақангиз?

— 2000 йилги Нью Йоркда ўтказилган жаҳон чемпионати финалида россиялик спортчи билан куч синашиб, ғолиб чиққанимда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Ана шунда ғалабанинг нечоғли тотли эканлигини қалбан ҳис қилдим. Олдинги йили Миср Араб Республикасида, ўтган йили эса Россияда яна жаҳон чемпионлиги насиб этди.

Суҳбатимиз сўнгида Умиджон яна бир гапни айтиб қолди. Айни пайтда Халқаро Олимпиада қўмитаси 2008 йилги олимпиада ўйинларига армрестлингни киритиш масаласини кўраётган экан.

— Ажабмаски, ушбу спорт тури ҳам Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олса, юртимизда чемпионлар янада кўпаярди, — дейди Умиджон.

Камгап, камсуқум Умиджоннинг сўзларидаги қатъийлик, ўзгача ишонч танасида тўлиб-тошиб турган куч билан уйғунлашиб кетгандай. Унинг нечоғли метин иродага эга эканлигига шубҳа қилмайсиз. Эндигина 26 ёшга тўлган Умиджон буни ўз ҳаёт йўли мисолида исботлади ҳам. Тақдирнинг қалтис қилмишига бўйин эгмаган ногирон йигитнинг жаҳоннинг мутлоқ чемпиони бўлиши, халқаро мусобақалардаги кетма-кет муваффақиятлари инсон иродасининг, матонатининг ҳақиқий маҳсулидир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий чемпионатимиз 43-ўринда



Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси- IFFHS 2003 йил якунларига кўра, Италия "А" сериясини энг яхши чемпионат деб топди. Бу "А" сериянинг 1991 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу сўровда тўққизинчи бор ғолиб чиқишидир. Сўнгги уч йилдан буён пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Испания "премьераси" бу мавсумда иккинчи ўрин билан кифояланди. Англия чемпионати эса учинчи бўлди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон миллий чемпионати бу борада 43-ўринни банд этди. Қитъадаги давлатлар ичида фақатгина Жанубий Корея биринчилиги 39-ўрин билан биздан олдинги поғонани эгаллаган.

IFFHS, шунингдек, миллий чемпионат тўпурарлари рейтингини ҳам эълон қилди. Унда тўрт нафар ўзбекистонлик футболчининг номи қайд этилган.

Ўтган 12-мавсумда рақиблар дарвозасига 26 тадан тўп киритган "Навбаҳор" ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев ва "Қизилқум" вакили Марсель Идиатуллин тўпурарлар рейтингида ўн тўққизинчи ҳамда йигирманчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Фарғонанинг "Нефтчи" клуби аъзоси Умид Исоқов ва Киевнинг "Динамо" жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Максим Шацкихнинг натижаси ҳам бир хил. Йигирма икки бор рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олган иккала футболчимиз таснифда 43 ҳамда 44-ўринларга жойлашишди.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


**O'zLotto**

«Ўзлотто» лотереяси 1-тиражининг

**ҲИСОБОТИ**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O`zlotto6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 39 15 32 17 18 12

Тираж ўтказилган сана: 2003 йил 10 январь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | "Нексия" автомобили | 0 | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 305 350 | 33 | 9 253 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 068 725 | 413 | 2 587 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 17 январь куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси- **100 000 000 сум + «Nexia» автомобили.**

«Мултилот» қўшма корхонаси

Тўкин ҳаёт сари!

















*Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, фан соҳасида эришилаётган ютуқлардан амалиётда самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

# ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тадбир Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси ва АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сурункали касалликларнинг келиб чиқиши, уларнинг олдини олиш ва даволашга йўналтирилган тадқиқотларни такомиллаштириш, фармацевтика соҳасидаги илғор технологиялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**


*Корхона ва ташкилотлар диққатига !*

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОСИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ**

**иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш учун (калити билан) пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.**

**1. Навоий вилояти Нурота туман марказидаги касб-хунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши.**
*Объектнинг бошланғич нархи — 760 млн.сўм.*
*Қурилишни тугаллаш муддати — 11 ой.*

**2. Навоий вилояти Конимех туман марказидаги маданият саройини 300 ўқувчига мўлжалланган касб-хунар коллежига қайта таъмирлаш.**
*Объектнинг бошланғич нархи — 844,0 млн.сўм.*
*Қурилишни тугаллаш муддати — 11 ой.*

**3. Навоий вилояти, Навоий туманининг, Хазара ширкат хўжалигида 300 ўқувчига мўлжалланган касб-хунар коллежи қурилиши.**
*Объектнинг бошланғич нархи — 1365 млн.сўм.*
*Қурилишни тугаллаш муддати — 20 ой.*

**4. Навоий вилояти, Хатирчи туманининг, А.Пўлатов номли ширкат хўжалигида 750 ўқувчига мўлжалланган касб-хунар коллежи қурилиши.**
*Объектнинг бошланғич нархи — 2080 млн.сўм.*
*Қурилишни тугаллаш муддати — 22 ой.*

***Буюртмачи — Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти капитал қурилиш бошқармаси.***

Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

**Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.**

***Бир тўплам (комплект) ҳужжатларнинг қиймати қурилиш учун — 50000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соати.*

*Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:* ***Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда*** *жойлашган Навоий вилоятининг капитал қурилиш бошқармаси биносида ўтказилади.*


Иқтисодий тадқиқотлар маркази БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили **Ричард КОНРОЙнинг** бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига, яқинлари ва касбдошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zagrosug'urta» давлат акциядорлик суғурта компанияси жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Эрқул Зикриёевга умр йўлдоши **Меҳмон ая ОМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси «Ўзпахтасаноат» бошқаруви раиси Эрқул Зикриёевга умр йўлдоши **Меҳмон ая ОМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Пахта лойиҳасини амалга ошириш агентлиги раҳбарияти ва жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг раиси Эрқул Зикриёевга рафиқаси **Меҳмон ая ОМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси жамоаси ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Муҳаббат Икромовага онаси **Матлуба ая МИРЗАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Paxtasanoatilm» ОАЖШ ИИЧМ жамоаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Эрқул Зикриёевга турмуш ўртоғи **Меҳмон ая ОМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274. 31749 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6